

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2023 йил 4 май

**Ўртачирчиқ тумани**

Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси Т.Салимов раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Ибрагимов котиблигида, даъвогар “XXXX” МЧЖ манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси жавобгар “XXXX” фермер хўжалиги ҳисобидан 10 301 678,20 сўм асосий қарз ва 5 159 839,10 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иқтисодий ишни даъвогар вакили Д.Садиков ва (ишончнома асосида) иштирокида, очик суд мажлисида суд биносида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Даъвогар “XXXX” МЧЖ манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “XXXX” фермер хўжалиги ҳисобидан 10 301 678,20 сўм асосий қарз ва 5 159 839,10 сўм пеня ундиришни сўраган.

Палата ўз даъво аризасида ишни палата вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суднинг ажримлари билан Бўка туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва АТБ “Агробанк” низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга қатнашишга жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар ва учинчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд мажлисида иштирок этмади, даъво аризаси юзасидан фикр билдиришмади.

Мазкур ҳолатда суд, низо юзасидан қарор қабул қилиш учун материаллар етарли эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128,170-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ишни жавобгар ва учинчи шахс вакиллари иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакиллари даъво талабларини қўллаб-қувватлаб, даъво аризага аниқлик киритиш ва давлат божи харажатларини даъвогардан ундириш ҳақидаги аризасини судга тақдим қилди.

Суд ишда иштирок этган даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар ҳамда тақдим этилган қўшимча далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қўйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни, суд харажатларини даъвогар зиммасига юклашни



лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан кейин матнда – ФК) 8 ва 234-моддаларига, асосан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари контрактация шартномасидан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда – ФК) 465-моддасида контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатлардан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, тарафлар ўртасида бошоқли дон харид қилиш бўйича 2022 йил 21 сентябрда 308-сонли фьючерс шартномаси тузилган.

Мазкур шартномага кўра, даъвогар (кейинги ўринларда Тайёрловчи), жавобгар (кейинги ўринларда Хўжалик)ни шартномада белгиланган тартибда бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини, “Хўжалик” “Тайёрлов”чига унга тегишли ер майдонидан белгиланган миқдорда бошоқли дон маҳсулотини топшириш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 2.4-банди талабларидан келиб чиқиб, даъвогар томонидан шартномада кўрсатилган экин ер майдонидан буғдой етиштириш ва кейинчали ўзига етказиб бериш мақсадида уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари, йиғим-терим мавсуми учун керакли материаллар, ғалла имтиёзли кредитидан иш ҳақи ажратмалари ва бошқа харажатлар молиялаштирилган.

Даъвогар томонидан контрактация шартномаси доирасида олинган минерал ўғитлар, ёнилғи ва бошқа харажатлар бўйича жами 10 301 678,20 сўм қарздорлиги борлиги тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилган.

Ушбу қарздорликни тўлаш ҳақидаги талабнома жавобгар томонидан эътиборсиз қолдирилган.

ФКнинг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур ҳолда суд даъвогарнинг 10 301 678,20 сўм асосий қарздорликни ундириш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблайди ва қаноатлантиришни лозим деб топади.

Шунингдек, даъвогарнинг даъво аризасида шартнома мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажарилмаганлиги учун шартноманинг 2.2-бандига асосан жавобгардан 5 159 839,10 сўм пеня ундириш талаби қўйилган.



ФКнинг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Бирок, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.2-бандида шартномага мувофиқ ётказиб берилган уруғлик ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун хўжалик тайёрловчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлаши, жаримадан ташқари хўжалик тайёрловчига тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирок муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

Мазкур ҳолатда қарздорлик уруғлик ҳақини ундиришдан келиб чиқмаганлигини инобатга олиб суд даъвогарнинг пеня ундириш тўғрисидаги талабини асосиз деб ҳисоблайди ушбу даъво талабини рад этишни лозим топади.

ИПКнинг 68-моддасида ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги кўрсатилган.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бирок, суд мажлисида даъвогар вакили ишни кўриш бўйича давлат божи харажатларини қоплаб бериши тўғрисидаги аризасини судга тақдим қилган.

Қайд этилганларга кўра, суд даъво талабини қисман қаноатлантиришни, давлат божи харажатларини даъвогар зиммасига юклашни лозим топди.

Бинобарин, Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 170, 176-180, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р қ и л а д и :**

Даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар "XXXX" фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар "XXXX" МЧЖ фойдасига 10 301 678,20 сўм асосий қарз ва 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин. Даъвогар "XXXX" МЧЖ ҳисобидан Республика бюджетига 309 230,35 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин.

**Раислик қилувчи, судья**

**Т.Салимов**



Ҳужжат имзоланган: Салимов Тохиржон Турсунович, 02.06.2023

